

Маҳалла

1996 йилдан чиқа бошлаган * 2013 йил 15 май. Чоршанба №42 (903) * www.mahallagzt.uz * info@mahallagzt.uz

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

ФУҚАРОЛАР ЙИГИНИ РИВОЖИДА ЯНГИ БОСҚИЧ

демократик ислохотларни янада чуқурлаштиришга хизмат қилади

Асрлар давомида халқимиз турмуш тарзи, анъана ва қадриятларини ўзида мужассам этган маҳалла институти истиқлол йилларида ўзининг ҳуқуқий мақомига эга бўлди. Бугунги кунда фуқаролар йиғинлари томонидан амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар Ватан равнақи, аҳоли турмуши фаровонлигининг тобора юксалишига хизмат қилмоқда.

Зотан, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнида бу энг тўғри ва адолатли йўл эканини қўлга киритилган ютуқлар ҳам тасдиқлаб турибди.

Дарҳақиқат, маҳалла юртимизда демократик жамият барпо этишнинг муҳим бўғинларидан ҳисобланади. Мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида бундай тузилманинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга, унинг вазифалари ҳамда фаолияти қўламини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда фуқаролар йиғинлари фаолиятини янада кенгайтириш, уларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини оширишни даврнинг ўзи тақозо этипти. Зеро, маҳалла фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, мавжуд бўшлиқларини барқарор этиш ушбу институт фаолият самардорлигини ошириш учун замин яратди.

Бу борада Президентимиз Ислам Каримов томонидан илгари сурилган

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш институти — маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазифалари қўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро яқин муносабатларини таъминлаш муҳим аҳамият касб этиши таъкидланган.

Юртбошимизнинг таклифлари асосида «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун 2013 йилнинг 23 апрелда ҳамда «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун шу йилнинг 24 апрелда матбуотда эълон қилиниб, кучга кирди.

> [2]

ЎҚУВ-СЕМИНАРЛАР

КАСБ МАЛАКАСИ ВА МАҲОРАТНИ ОШИРИШДА МУҲИМ ОМИЛ



Н.ХАЙДАРОВ олган сурат.

Айни кунларда республикамизнинг барча ҳудудларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мутасаддиларининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий-маърифий биллимининг янада мустаҳкамлаш, бошқарувчилик маҳоратларини ошириш ҳамда уларнинг соҳага оид янги қонунлар, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлардан хабардор этиш мақсадида ўқув-семинарлар ўтказилмоқда.

Уч кунлик ўқувларда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги фуқаролар йиғинлари раислари, масъул котиблар, йиғиннинг диний матрифт ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари ва «Маҳалла посбони» жамоатчилиги тузилмаси раҳбарлари фаол иштирок этмоқдалар.

Семинарларга бириктирилган манфаатдор идораларнинг масъул ходимлари ва малакали профессор-ўқитувчилар томонидан машғулотлар замонавий услублар ҳамда ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланган

ҳўда, интерфаол мулоқот тарзида ўтказилган ўқувларнинг самарасини бераёттир.

Ўқувларнинг дастлабки кунинда Президентимиз Ислам Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ҳамда «Юксак маънавият — енгилмас куч», «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» асарларининг мазмун-моҳияти, улардаги устувор вазифалар, эзу го я ва ташаббусларни фуқаролар йиғинлари фаолари томонидан маҳалла аҳолиси ўртасида кенг тарғиб қилиш масалалари кун тартибидан ўрин олади.

> [3]

КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИДАН

АҲОЛИ МАНФААТИ ҲИМОЯСИ УСТУВОРЛИК КАСБ ЭТГАН

Бугунги кунда фуқаролар йиғинлари фаолиятдан четда турган бирор масала йўқ. Айниқса, фуқаролар йиғинлари ҳузурида ташкил этилган комиссиялар ўз ваколатлари доирасида фаолият кўрсатаётгани аҳолининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашда муҳим аҳамият касб этаёттир.



Бу борада Жамоатчилик назорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссиянинг ўрни алоҳида.

— Ҳуқуқимиз аҳоли манфаатини кузлаб, дўконларда ун, ёғ, шакар, қанд, совун каби саккиз турдаги маҳсулотга қатъий нарх белгилаб қўйган, — дейди Жиззах шаҳридаги «Уратепалик» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Кенжа Қодиров. — Йиғинимизда ушбу маҳсулотларни харидорларга ўз вақтида етказишни комис-

сия аъзолари икки нафар тадбиркор — «Сарбон» ҳамда «Йўлдош бобо» дўконлари эгаларига ишониб топширагани. Аммо кейинги пайтда уларнинг хизматидан аҳолининг кўнгли тўлмаяпти. Кеча икки хонадон «Йўлдош бобо» дўқони сотувчисидан шикоят қилиб келди.

— Муаммони ўрганиб чиқдик, мурожаат қилганлар ҳақ экан, — дейди йиғиннинг Жамоатчилик назорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссия аъзоси Омон Маҳмудов. — Ҳар иккала хонадон соҳиби утган ой учун ажратилган маҳсулотларни олмани аниқланди.

> [2]

БОШҚАРУВ ЙИГИЛИШЛАРИ

ОШКОРА, ОЧИҚ ВА ТАНҚИДИЙ РУҲДА

«Маҳалла» хайрия жамоат фондидинг ҳудудий бўлимларида «Обод турмуш йили» Давлат дастурида белгиланган устувор вазифалар ҳамда Фонднинг жорий йилга мўлжалланган иш режасининг биринчи чорак фаолияти яқунларига бағишланган бошқарув йиғилишлари бўлиб ўтмоқда.

Тадбирларда бугунги кунда фуқаролар йиғинлари фаолияти самардорлиги ошиб, уларнинг ҳуқуқ ва ваколатлари кенгайиб бораётгани алоҳида таъкидланди. Айниқса, яқинда қабул қилинган янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ҳамда «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонунлар бу борада муҳим дастурийлашма бўлди.

Фонднинг Наманган вилояти бўлимида ўтган йиғилишда Давлат дастурида белгиланган устувор вазифалар ҳамда Фонд иш режаси ижроси таҳлил этилиб, ютуқ ва камчиликларга алоҳида эътибор қаратилади.

— Жорий йилнинг биринчи чораги бўлимимиз учун ҳар томонлама самаран бўлди, — дейди Фонднинг Наманган вилояти бўлими бошқаруви раиси

Насриддин Садридинов. — Ҳисобот даврида икки нафар имконияти чекланган иқтидорли талабага замонавий компьютер жамланмаси ҳада этдик. Март-апрель ойлари мобайнида вилоятимизда ўтган хайрия ҳашари доирасида қўлаб меҳр-мурувват ва хайр-саҳават тадбирлари ташкил этилди. Шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада кучайтириш, соҳа ходимларига қўлай шарт-шароитлар яратиш масалалари ҳам эътибордан четда қолмади.

Йиғилишда қўлга киритилган ютуқлар билан бирга, соҳада йўл қўйилган камчиликлар ҳам муҳокама этилиб, Фонднинг Наманган шаҳар, Косонсой, Мингбулак, Поп ва Учқўрғон туманлари бўлимларининг фаолияти танқид остига олинди.

> [2]

ПУБЛИЦИСТИКА

ТИНЧ ЮРТНИНГ ТОНГЛАРИ НУРАФШОН

Хотира ва қадрлаш кунини умумхалқ байрами муносабати билан пойтахтимиздаги Хотира майдонида Давлатимиз раҳбари ОАВ вакиллари билан суҳбат чорига тинчликни сақлаш, уни ҳаётимизнинг мазмун-моҳияти сифатида кўз қорачигидай асраш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз эканлигини ўқитиб, уруш келтирган оқибатлар қанчалек муҳим бўлмасин, у халқимиз хотирасида умрбод қолишини ва бундай ўтмиш воқеаларидан керакли хулосалар чиқариш лозимлигини таъкидладилар.

Президентимиз Афғонистондаги бугунги беқарор вазиятни ҳаққоний баҳолаб, бу ердаги нотинчлик қўлақаси бизнинг ҳудудимизга, бутун Марказий Осиё минтақасига энг катта хавф-хатар солиб турганини айтди. Уттиз йилдан кўпроқ вақт давом этаётган урушнинг ҳарбий куч билан тўхтатиб бўлмаслиги, бундай ўта қатъис муаммони барқарор этишнинг ягона йўли — сиёсий йўл бўлиб, қандай қилиб бўлмасин, қарама-қарши кучларни музокаралар орқали ўзаро келишувга олиб келиш лозимлиги

эътибор қаратади.

Сир эмас, яқинда Афғонистонда жойлашган АҚШ ва Европа давлатларининг АЙСЕФ деб номланган ҳарбий кучларини шу ҳудуддан чиқариш жараёни бошланади. Демак, Афғонистондаги вазият янада кескинлашиши мумкин. Бу ердаги турли миллат ва элларнинг тортишуви, «сен зўрми, мен зўр» қабилидаги ўзаро жанг-жадаллари янаам авжга чиқиш эҳтимоли бор. Сарҳадимиз билан чегарадош бўлган Афғонистондаги бундай кескин ҳолат бизга

ва минтақа халқларига хавф, тинчлигимизга раҳна солмайдди, деб ҳеч ким айти олмайди.

Кўшнинг тинч — сен тинч. Ён қўшнинг — жон қўшнинг. Қўшнинг утирган гиламининг бир учи ёнса, сеннинг хавотир олмаслигин мумкин эмас. Бинобарин, қўшнинг уйдаги нотинчлик, беҳаёватлик учқунидан оғоҳ бўлиб яшашни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Бу шунчаки ваҳимдан иборат гаплар эмас, балки ҳозирги давр талафотларини теран ангамоғимиз лозимлигини аниқлатади. Президентимиз доимо бизни оғоҳликка даъват этиб келганининг босиси шундан.

Афғон халқи билан қадимдан бир дарёнинг икки соҳилида яшаб, бир нахрдан сув ичган халқимиз. Бир ҳаводан нафас олиш, ўхшаш ҳаёт тарзи бизларни доимо қавм-қариндошлик ришталари ёрдамида мустаҳкам боғлаган. Ҳар иккала қирғоқдан қаралса, бир-биримизнинг бўйимиз ҳам, уйимиз ҳам кўриниб

турган. Кўнглимиз каби йўлларимиз очиқ ва равшан, муддаоларимиз муштарак бўлган. Қуда-андачилик, қиз олаб, қиз беришларга ҳеч бир нарса монелик қилмаган. Бу соҳида ўзбек тўй бера, нариги соҳидаги афғон биродаримизнинг ҳам кўнгли ёруғ тортган. Икки халқнинг тўй-томшалари бирга кечган.

Афғон халқига фақат тинчлик, хотиржамлик, фаровонлик, бу ерда яшаётган турли миллат элатларга ҳамжихатлик тилашдан, уларнинг ўз тақдирини ўзи ҳал этишга уришиб, тинчлик ва осейишталик йўли, барқарор турмуш тарзига элтувчи раvon йўлини танилашдан бугун биз — Ўзбекистон кўпроқ манфаатдор. Негаки, уруш-жанжал ҳеч қачон ҳеч бир халққа, давлатга яхшилик олиб келмаган. Бунга тарихнинг ўзи гувоҳ.

Бугунги осуда ва дориломон кунлар ҳаққи-ҳурмати, тинчлик энг улугъ нематлигини, уни асрашга барчамиз масъул эканлигимизни зинҳор унутмас-

лигимиз даркор. Дунёга бир назар солинг, рўй бераётган талатўшлардан хушёр тортасиз ва сира-сира хотиржамликка берилашга ҳаққимиз йўқлигини ҳис қиласиз.

Агар билсангиз, нотинч юртнинг тонги файзли бўлмайди, қуёшни қўлмайди, қўшлари сайрамайди, боллари гулламайди. Табиат гузалиқдан, инсон эгуликдан бебаҳра қолади агар тинчлик бўлмаса.

Тинчлик бор экан, тонгларимиз нурафшон ва сокин. Зеро, фарзандларимизнинг ҳар кунги янроқ кулгиси, файзли тўй-томшаларимиз, тўқин дастурхонимиздаги ризқ-рўз, буларни барчасининг пойдевори — ТИНЧЛИК! Президентимизнинг мусавфо осмонимизни сақлаш, асраш учун курашимиз, фидойилик кўрсатишимиз даркор, деган даъватларининг замирида ҳам ана шу ҳикмат мужассам.

Қўчқор НОРҚОБИЛ.



ЮРТНИНГ ОБОД

ДИЛИНГ ОБОД

КАШҚАДАРЭ ВИЛОЯТИ

Кейинги йилларда туманимиз қиёфаси тобора ўзгариб, янгилиниб бормоқда. «Тошғазар — Бойсун — Қумқўрғон» темир йўлининг қурилиши, калий заводининг ишга тушиши узоқ тоғли ҳудудга янги ҳаёт олиб кирди. Бир-биридан кўркам иморатлар, ишлаб чиқариш корхоналари, маиший хизмат кўрсатиш объектлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Қанчадан-қанча иш ўринлари яратилди. Бу эса, аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Калий заводи атрофида тадбиркорлар томонидан қатор савдо мажмуалари, чойхонаю ошхоналар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Жумладан, «Бешбулак» маҳалла фуқаролар йиғинидаги «Сезор» базори атрофида тегиран, автомобилларга сервис хизмати кўрсатадиган шохобча, чойхона ишга тушди. Худди шу маҳаллада тадбиркор Фаҳриддин Бўроню ташаббуси билан нон ишлаб чиқариш цехи фаолият бошлади. Бир кеча-кундузда 1 минг 200 данадан ортиқ сифатли нон маҳсулотлари тайёрланадиган мазкур цехда 8 нафар киши ишли бўлди.

«Бибикорасоч» маҳалла фуқаролар йиғинида «Шўртангазим» мажмуасига қарашли энергия тежовчи лампалар ишлаб чиқариш цехи иш бошлаши натижасида 40 нафарга яқин киши иш билан таъминланди. Айни пайтда цех ишчилари томонидан истеъмолчиларга 7 турдаги маҳсулот, жумладан, кунига 2000 дона ана шундай энергия тежовчи лампа ишлаб чиқарилмоқда. Бундан ташқари, «Шўртангазим» мажмуаси ҳомилигида макорон ва печенье цехлари ҳам ишга туширилди. Шуниси қувонарлики,

тумандаги ўзгартиш, бунёдкорлик ишлари каттаю кичикни хайри ишларга ундаяпти. Жумладан, Деҳқонobod шаҳарча фуқаролар йиғини ҳудудига тадбиркор Шерзод Ражабов қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган цех очди. 8 нафар киши ишлаётган корхонада турли ширинлик ва пишириклар тайёрланиб, аҳолига етказиб берилмоқда. Қорашно қишлоқ фуқаролар йиғинида эса тадбиркор Номоз Бокиевнинг ташаббуси билан маиший хизмат кўрсатиш корхонаси ишга туширилди. Тадбиркорлар томонидан ана 5 та янги лойиҳа устида изланишлар олиб бориляпти.

Бир пайтлар ишлаб чиқариш корхонаси у ёқда турсин, бирорта ҳам чойхона ёки тўймахона бўлмаган туманимизнинг бугунги замонавий қиёфаси кишида ғурур ва фахр туйғусини уйғотади. Ҳатто узоқ тоғ қишлоқларида ҳам кўркам касб-ҳунар коллежларидан ташқари, тиббиёт муассасалари, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, новвойхона, тўйхоналар қурилиб, ишга туширилмоқда. Тоғли аҳолининг турмуш тарзи кун сайин ўзгариб борапти.

Жовли ҲИММАТОВ,
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Деҳқонobod
тумани бўлимаси раиси ўринбосори.

ИФТИХОР

Пухта билим, кенг имконият ва рағбат

ёшлар салоҳиятини рўёбга чиқараёттир



Истиқлол йилларида юртимизда таълим соҳасини тубдан ислоҳ этишга қаратилган кенг қўламли ислохотлар боис, бу борада миллий модел шаклланди. Мамлакатимизда ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш бўйича қўлаб хайрли ишлар амалга оширилиб, илгор тажрибалар тўпланди.

Қадрларни танлаган касблари бўйича хозирги замон талаблари даражасида тайёрлаш, таълим сифатини янада такомиллаштириш, мусасаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган ишлар самардорлигини ошириш «Обод турмуш йили» Давлат дастуридан ҳам мустаҳкам ўрин олган.

> [4]

ИФТИХОР

ПУХТА БИЛИМ, КЕНГ ИМКОНИЯТ ВА РАВБАТ

ёшлар салоҳиятини рўёбга чиқараётир



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

Яқинда пойтахтимизда кимё фани бўйича 47-халқаро Менделеев олимпиадаси ўтказилди...

ҳисобда биринчи ўринни эгаллади. 2 та оltин, 5 та кумуш ва 8 та бронза медалга сазовор бўлган ёшларимизнинг бундай юксак натижага эришиши юртимиз истиқболи ҳақида тeран тасаввур уйғотади.

Тeрма жамоамиз таркибиде бор истеъдодли, билимини намойиш этган ўқувчиларнинг икки нафари, яъни олтин медал соҳиблари Билолиддин Шаробиддинов ҳамда Дилшода Ортиқбоева УЭМУ қошидаги С. Сирожиддинов номи академик лицейда таълим олишад...

олишган. Йилг этган истеъдод учқунини ҳам излаб топиш ва рағбатлантиришга йўналтирилган намунали таълим-тарбия маскани фаолиятдан андоза олаётганлар бисёр.

— Халқаро Менделеев олимпиадаси 1956 йилдан бери ўтказиб келинади, — дейди академик лицейнинг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари Марҳаб Исломов. — Истиқлолдан сўнг таълим тизимига қаратилган юксак эътибор ва гамхўрлик туфайли ушбу мусобақада иштирок эта бошлаган ўзбек фарзандлари қисқа фурсатда ўзларининг ҳеч кимдан кам эмаслигини, билим ва

заковатда ажодларга муносиб ворис эканини исботлашди. Ўқувчиларимиз бир неча йиллардан бўён кўплаб халқаро беллашув, билимлар мусобақалари қатори Менделеев олимпиадасида ҳам фаол иштирок этиб келишяпти. Жумладан, Москвада ва Остонада ўтган халқаро Менделеев олимпиадаларида ўқувчи-ёшларимизнинг билим ва истеъдодига жаҳоннинг энг кучли кимёгар олимлари ҳам тан беришди.

Иқтисодли ўқувчиларни танаб олиб, олимпиада гуруҳларида ишлаш натижасида 2011 йилда 2 нафар ўқувчимиз биология ва физика фанидан республика олимпиадаси гoлиби бўлишди. Голландияда ўтган 52-халқаро математика олимпиадасида қатнашган ўқувчиларимиз орасидан Жасур Бердиков билан математик масалани «Энг яхши гoя билан ечиш» номинацияси совриндори бўлди. Жорий йилги Менделеев олимпиадаси натижалари эса янада салмоқли. Қўлга киритилган бундай ютуқлар, аввало, Президентимиз раҳнамолигида олиб бoриладиган оқилона ёшлар сиёсати туфайлидир. Зeро, кeлажак эта-ларининг ҳақ-ҳўқуқларини муносиб ҳимоя қилиш, ўзлари қизқичган соҳага йўналтириш, шубҳасиз, мамлакатнинг эртанги кунига қўйилмаган тамал тошидир.

Муассаса директори, физика-математика фанлари номзоди Қаҳрамон Ибодуллоевнинг ташаббуси билан ўтказиб келинаётган республика академик лицейлари ўқувчиларининг «Лицейим — фаҳрим» анъанавий беллашуви, маълум маънода, халқаро фан олимпиадалари учун саралаш ва терма жамоани шакллантириш босқичи вазифини ўтамоқда. Замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган фан кабинетлари, лаборатория хоналарида профессор, фан номзодлари ва олий тоифали ўқитувчилардан иборат кучли педагогик жамоанинг талабчанлик билан сабоқ бериши ўқув даргоҳига мактаб битирувчиларининг қизиқишларини тобора ошираётир.

Республикамизнинг турли ҳудудларидан лицейда ўқиш истигад кeлаётганлар сони кўпчилигини ташкил этади. Жумладан, Дилшода Ортиқбоева Олмалик шаҳридан. У ёшлагидан шифокор бўлишни кўнглига тўккан, Олмаликдаги 20-умумтаълим мактабини тугатган, аниқ тизимли таълим тарбия, ихтисослик бўйича сабоқ берилиши ва ўқувчилари юксак марраларни забт этаётгани боис академик лицейга ҳужжат топширди. Аини пайтда у иккинчи босқичда ўқисада, у алаҳқаро талабалар сафидан жой олади.

— 47-халқаро Менделеев олимпиадасидаги натижаларим боис, нафақат мамлакатимиз

олий ўқув юрлари, балки мусобақада иштирок этган 17 та давлатнинг университетлари орасидан хоҳлаган бирида таъсини давом эттириш имкониятини қўлга киритдим, — дейди Дилшода. — Бунинг учун устозларимдан, хусусан, Ойбек Холиқовдан миннатдорман. Қайси соҳада муваффақият қозонмайлик, буларни шубҳасиз, Президентимизнинг биз ёшларга беқиёс гамхўрликлари натижаси, деб биламиз. Бизга билдириладиган ишончини оқлаш, юртимиз тараққиётига ўз ҳиссамизни қўиш учун бор куч ва билимимизни аямаймиз. ...Сунъий радиоактив қаторга эта бўлган элементнинг турли хил парчаланишга орқали висмут изотопига борish схемасиданги оралик моддаларни топиш Дилшода Ортиқбоевага ҳам, Билолиддин Шаробиддиновга ҳам қийинчилик туғдирмади. Зeро, асосан 4 та йўналишда 1200 нафардан зиёд ўқувчи таълим олаётган академик лицейда сифатли ва пухта билим бeриш, бир суз билан айтганда, ҳар бир ёшнинг индивидуал хусусиятларидан кeлиб чиқиб муайян фанга йўналтириш ана шундай ҳаётбахш самаралар бeрмоқда. Эътибор ва рағбат эса яқин кeлажакда бундан-да улкан натижаларни туғфа этиши шубҳасиз.

Юлдуз ҲОЖИЕВА «Mahalla»



Поезд ҳалокати туфайли

Бельгиянинг Гент шаҳри яқинида Нидерландиядан кимёвий модда ортиб кeлаётган поезд бир темир йўлдан иккинчисига ўтиб кетиши оқибатида ағдарилиб кетган.



Вагонлардаги юқори тоқсинли моддалар сизиб чиқishi ва ёниши натижасида портлаш рўй берган.

Ёниш кeча бoриб бартараф этилди. Ҳодиса оқибатида бир киши қурбон бўлиб, 100 га яқин киши нафас олишга қийналаганидан шифокорга мурожаат қилган, дея хабар бeради «Reuters» ахборот агентлиги. 1 км. радиусида жойлашган 500 та хонадондан жами 2000 га яқин киши эвакуация қилинди. Ҳудудни зарарсизлантириш зoсида зарур чoралар кўрилмади.

Вулқон қопқони

Филиппинлик қутқарувчилар томонидан тўрт нафар немис сайёҳи ва йўлбошчининг мурдаси топишган.



«France-Presse» ахборот агентлиги хабар бeришича, сайёҳлар мамлакатдаги энг кучли Майон вулқони отилиши оқибатида ҳалок бўлишган. Вулқондан яна 12 киши жабр кўрган.

Маълум бўлишича, Майон бирданига ҳаракатга кeлган. Уша вақтда вулқон оғзида 30 кишидан иборат икки гуруҳ турган эди.

Янги ва хавфли вирус

Зотилжам касаллиги белгиларига ўхшайдиган янги вирус Францияда қайд этилди.



У билан касаланган бeмор яқинда БАА давлатида бўлиб қайтгани. Бeмор дарҳол жонлантириш бўлимига ётқизилди. Янги вирус утган йили

олимлар томонидан аниқланган. Ушандан бўён лаборатория ташхислари ушбу вирусга доир 30 та ҳолатни қайд этди. Шундан 18 таси ушбу билан туган, дея хабар бeради «ИТАР-ТАСС» ахборот агентлиги. Бутунги кунда ушбу вирус билан касаланганлар Йордания, Буоқ Британия ва Германияда ҳам бор. Мутахассисларнинг фикрича, янги вирус зотилжамдан анча хавфли ҳисобланади. Чунки ҳали унга қарши дори воситаси яратилмаган.

Чақмоқ оқибатида

Германиянинг Макленбург шаҳрида 9 май куни яшн уриши оқибатида 43 киши жароҳатланган.



Кутилмаганда кучли чақмоқ қақиб, дарахтни яшн урди. Натижада дарахт одамлар устига қўлаган. Ҳозирда етти кишининг аҳволи оғир, дея хабар бeради «ИТАР-ТАСС» ахборот агентлиги.

Интернет хабарлари асосида З.ЭРКАБОВЕВА тайёрлади.

КўРГАЗМА

Мўйқаламда маҳалла манзаралари

Урганч суратлар галереясида Ўзбекистон Бадий академияси ижодкорлар уюшмаси аъзоси Хадича Ерматованинг «Маҳалла — қадриятлар маскани» мавзусида шахсий кўргазмаси намойиш этилди.

Унинг маҳалла ҳаёти, манзаралари ҳақида ҳикоя қилувчи уттиздан ортиқ асарлари томошбинларда катта таассурот қолдирди. Аиниқса, «Маҳаллада Наврўз», «Янги гузар», «Ободлик», «Ҳовли тўйи», «Оқсоқол», «Китобхон», «Маҳалла полвонлари», «Сумалак сайли», «Боғда», «Бахтиёр ёшлик» деб номланган суратлари ёрқин ранглари, теран мазмун билан санъат ихлосмандларини узига жалб этди.

Истеъдодли расмом Обод турмуш йилига бағишланган кўчма кўргазмасини вилоят маҳаллари бўйлаб намойиш қилишга тайёргарлик кўрмоқда.

Абдулла САФОВЕВ «Mahalla»

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви фондининг Наманган вилояти бўлими бошқаруви раиси ўринбосари

Рустам УМАРОВнинг бевақт вафот этганини муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардик бидиради.

Ф.ЭГАМОВА «Mahalla»

КУРАШ

ТЕРМИЗ ПОЛВОНЛАРНИ ЧОРЛАЙДИ



Юртбошимиз таъбири билан айтганда, ҳеч бир восита мамлакат шухратини спорт каби жаҳонга тез танитолламайди.

Шу боис юртимизда жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини ошириш, етуқ спортчилар тайёрлаш масалаларига доимий эътибор қаратиб келинмоқда.

Миллий курашимизнинг доврутини жаҳонга таратиш, унинг нуфузли мусобақалардан мустаҳкам ўрин олишига эри-

шиш борасида амалга ошириладиган кенг миқёсми чора-тадбирлар бунинг яққол далилидир. Ўзбек курашининг тан олинишида ҳамда дунёнинг 110 дан ортиқ мамлакатда кураш федерацияларининг тузилишида, бевосита давлатимиз раҳбари ташаббуси ва раҳнамолигида миллий кураш бўйича Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишлаб, ҳар икки йилда бир марта Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказиб келинаётган халқаро мусобақанинг роли катта. У йилдан-йилга узининг қўлами, иштирокчиларининг ва аиниқса, томошбинларининг қўлиги билан жаҳон жамоатчилигининг эътиборини тортаётир.

Шу боис мусобақалар ўтказилмаган «Сурхон» спорт мажмуида жорий таъмирлаш ишлари бажарилиди. Сурхондарёлик-

лар, жумладан, Термиз аҳли 18-19 май кунлари ташкил этиладиган XI халқаро турнирга пухта ҳозирлик кўрдилар. Бу йил мусобақаларга 135 давлатдан, халқаро спорт ташкилотлари ҳамда кураш федерацияларидан 200 нафарга яқин вакил кeлиши кўнглига тўккан. Кўча ва майдонлар, темир йўл вокзали, аэропорт ва автовокзаллар панно ҳамда широлар, ранг-баранг байроқлар билан безатилади. Махсус автобуслар ажратилиб, уларнинг қатнов режаси ва йўналишлари ишлаб чиқилди. Ҳакамлар, оммавий ахборот воситалари ходимларининг самарали фаолият кўрсатишлари учун зарур шарт-шароит яратилди.

Хулмас, Термиз дунё полвонларини чорламоқда.

М.АЗИМОВ «Mahalla»

СПОРТГА ОШИНО ТУТИНИБ

ФАҲРИЙЛАР БЕЛЛАШУВИ

Спорт билан шугулланиш учун жисмоний тарбия институтини битириш ёки профессионал маҳоратга эга бўлиш шарт эмас. Соғлом ҳаёт тарзига интилган 7 ёшдан 70 ёшгача ҳар қандай киши қайсидир спорт тури билан мунтазам шугулланиши мақсадга мувофиқдир.

Мамлакатимиз фаҳрий самбочилари халқаро майдонларда ҳам муваффақиятли иштирок этмоқда. Жорий йилнинг 26-28 апрель кунлари Бекобод шаҳрининг «Ёшлик» спорт аренасида самбо кураши бўйича фаҳрийлар ўртасида Ўзбекистон шахсий биринчилиги баҳслари бўлиб ўтди. 2013 йил жаҳон чемпионатида иштирок этиш учун ўтказилган саралаш мусобақасида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан 150 нафарга яқин самбочилар ўз кучларини синаб кўришди.

Ватанимиз шарафини ҳимоя қилаётган, совринли ўринлари қўлга киритиб, мамлакатимиз нуфузини оширишга ўз ҳиссасини қўшаётган ҳам-ўрталаримиз орасида қасаба уюшма спортчилари ҳам алоҳида ўрин эгаллаётир.



Д. Ганиев (Қашқадарё вил.), А Қосимов ва Ш.Рустамов (Самарқанд вил.) ўз вази тоифаларида гoлибликни қўлга киритишди. Гoлиблар Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг дипломи ва совғалари билан тақдирланди.

— Спорт саломатлик гарови бўлиши билан бирга меҳнат унумдорлигини оширишга ҳам хизмат қилади, — дейди кимё соҳаси бўйича Республика биришган қасаба уюшмаси қўмитаси раиси Мавжуда Халимова. — Бу борада тармоғимизда спортнинг оммавийлигини ошириш ҳамда шу орқали меҳнатқашлар ва ёшларни

соғомлаштириш, жисмонан бақувват, руҳан тетик бўлиб камол топишлари учун барча шарт-шароит яратилган. Гoлибларни шу йилнинг октябр ойида АҚШнинг Филладефия шаҳтидаги Нью-Жерси шаҳрида фаҳрийлар ўртасида ўтказилмаган жаҳон чемпионати кутмоқда. Йўланма ни қўлга киритган юртдошларимиз океанортидаги мусобақаларда ҳам бор малака ва маҳоратларини намoён этиб, мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишларига ишонамиз.

Ф.ЭГАМОВА «Mahalla»

Китоб байрами 23-24 май 2013 йил. Хурматли юртдошлар! Мухтарам пойтахтимиз меҳмонлар! 2013 йилнинг 23-24 май кунлари Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида ҳамда Тошкент шаҳридаги Гафур Гулом номидаги маданият ва истироҳат боғида «Адабиётга эътибор — кeлажакка, маънавиятга эътибор» шиори остида Республика «Китоб байрами» ўтказилади.

ЎРГАНГАНИНГ ЎЗИНГА

Танга роҳат, руҳга қувват

Ҳар қандай фаслда, айниқса, офтоб қиздирган жазирама кунларда муздек қатиқ танага роҳат бағишлайди.

Чанқоқбосди, иштаҳа очувчи ҳамда асабларни тинчлантирувчи хусусиятларга эга бу маҳсулот тайёр бўлганидан сўнг бир кун ўтса ҳам таркиби ўзгаради. Янгилигида ичиш кони фойда. Қанчалик ёғли бўлса, соғим учун нафи шунча катта. Овқатнинг ҳазмига яхши кўмакчи.

теъмоқ қилиб юрувчиларнинг танасига саратон хасталиги яқин йўламайди.

Олимлар узоқ изланишлардан кейин инсон танаси қаршиининг сабабларидан бирини аниқлашди. Уларнинг ташхиси бўйича, танамиз ҳаминша токсинларга қарши курашади ва бу пайтда ингичка ичкада микроблар кўпаяди. Ҳамма гап шундаки, қатиқ таркибидеги сутли нордон замбурут, лактобацил ва бифидобактериялар ушбу токсинларни нейтраллаштиради.

Жигар касаллиги, овқатдан заҳарланган бeморлар учун сут-қатиқ маҳсулотлари ичиш шифокор маслаҳати билангина амалга оширилиши лoзим. Оғир турдаги ошқозон хасталигига учраган бeморлар ҳам шифокор-гастроэнтерологининг маслаҳатига қулоқ туттишлари керак.

Интернет маълумотлари асосида Ф.ЭГАМОВА тайёрлади.

Mahalla ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий, маърифий газета. Муассис: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Республика бошқаруви

Mahalla ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий, маърифий газета. Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2013 йил 12 апрелда 0019 рақами билан қайта рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ. Телефонлар: 236-53-93 233-39-89 236-53-75 236-57-62 Факс: 233-10-73

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди, офсет усулида босилди. Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси 32-уй Индекс: 100083